

ОИЛАДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Тулегенова Дилфуза

“Бошланғич таълим“ йўналиши талабаси

Тошкент Кимё халқаро университети

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширила бошланди. Оила ва никоҳ каби аҳамияти юксак умуминсоний ва миллий қадриятларни комплекс ўрганиш, уларни этнологик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Бугун оиланинг беназир нуфузи, улкан ижтимоий аҳамиятга молик воқелик эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Оила жамиятнинг асосий ҳужайраси ва ижтимоий таянчидир. Ҳар бир оиланинг бахтиёрлиги ва фаровонлиги пировард натижада жамиятнинг барқарорлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлиги шартидир. Оила нафақат инсон наслини давом эттириш омили сифатида, балки жамият аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш маскани сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Оилада юзага келиш эҳтимоли бўлган низо-жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларини ижобий ҳал қилиш учун биринчи навбатда уларни кимлар ўртасида юз бераётганлигини фарқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Оилавий низоларда кимлар иштирок этаётганига кўра уларни қуйидагича асосий турларга ажратиш мумкин:

- эр-хотин ўртасидаги низолар;
- қайнона-келин ўртасидаги низолар;
- қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- овсинлар ўртасидаги низолар;
- ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.

Албатта, бу рўйхатни янада давом эттиравериш мумкин, лекин биз ҳозирча шу юқорида келтирилганлар билангина kifояланиб, оилавий ҳаётда рўй бериш эҳтимоли нисбатан юқори бўлган низоларнинг энг асосийси бўлмиш эр-хотин ўртасидаги низоларнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Психологларнинг фикрича, низоларнинг келиб чиқишига айрим эрларнинг ишга муккасидан кетиши, аёлининг эътиборсизликлари, уй-рўзғор ишларига, бола тарбияси ва бошқаларга эътиборсизлиги сабаб бўларкан. Ёки бўлмасам оиладаги мавжуд бўлган иқтисодий муаммолардан ҳам оилада низолар келиб чиқаётганлигини таъкидлашмоқдалар. Эрнинг маълумот ёки маданият, савияси аёлиникидан юқорирок

ёки тенг бўлса оила янада мустаҳкамланади. Агар бунинг акси бўлса аёлиники устун бўлса низолар кўпроқ учрайди.

Ёки бўлмасам айрим келинларнинг янги оилага мослашиши қийин бўлади, оқибатда қайнона-келин орасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Бу каби ҳолатларнинг ҳам олдини олиш учун турмушга чиқишдан олдин қизнинг онаси унга тушунтириш ишларини бериб ўтиши керак ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлардан қочиши кераклигини уқтириши лозим.

Ҳозирги кунда жамиятимизда ажрашишлар кўпаймоқда, кўпинча ажрашаётганлардан ажралиш сабабини сўралса, улар қандайдир ҳамма учун стандарт бўлиб қолган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилишади. Масалан, «характеримиз мос тушмади», «ўзга шахснинг аралашуви», «қўполлик», «моддий қийинчилик», «ичкиликбозликка берилиш», «яшаш шароитининг ноқулайлиги», «ота-оналарнинг ноўрин аралашуви» ва ҳ. к. Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, вазиятга қараб, бундай кўрсаткичлар баъзиларда сабаб, баъзилар учун эса баҳона вазифасини ўтайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, оиладаги маънавий-руҳий психологик иқлим қанчалик мустаҳкам ва эр-хотинлар бир-бирини қанчалик яхши тушунсалар бу «сабаблар» (баҳоналар) оиланинг инқирозига асосий сабаб бўла олмайди.

Буларнинг барчаси ўзбек оиласида ажралиш масаласига жиддийроқ эътибор бериш лозимлигини ва унинг олдини олиш, салбий асоратларни камайтириш чоратадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Ҳар бир ёш уйланишдан ёки турмушга чиқишдан аввал бир бирини танлашда шошилмаслиги лозимлиги, никоҳнинг нақадар улуғ аҳамият касб этишини англашлари лозим.

Юқоридаги низоларни олдини олиш юзасидан Ўзбекистонда оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга бўлган эътибор йилдан йилга кучайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон ва унинг фаровонлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада оширишга қаратилганлигини эътироф этган ҳолда оилани мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтиш зарур.

Оила шундай маконки, унда авлодлар камол топади, унда миллат, халқ яшайди. Демак, оила жамиятнинг табиий ҳужайраси, ижтимоий асосидир. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва тез ривожланади. Зеро, жамият асоси бўлган оиланинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки оила ҳаётнинг абадийлигини таъминлайди, ворислар ота-она бошлаган ишни давом эттиришни амалга оширувчи муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳ миллатнинг урф-

одатларини сақлашга кўмаклашади. Шу билан бирга оила, келажакда фарзандлар қандай инсон бўлиб етилишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки оилада юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-психологик низо ва муаммоларни олдини олиш учун ота-она ўз фарзандларига ёшлигидан бошлаб фикрини тўғри шакиллантириши керак. Агар оиланинг ҳар бир кишининг ўз бурч ва вазифаларига масъулият билан ёндашув аввало оила мустаҳкамлигига, охир-оқибатда эса жамият фаровонлигига эришишнинг муҳим омилидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Буриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Т.:, 2007.
2. Оилани ўрганиш психодиагностика методикалари. Тузувчилар: Н.А.Соғинов, Ф./Х.Ҳабибуллаев. –Т.:, 2016.
3. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. -Т.:, «Адолат», 1998.
4. Ғ.Б.Шоумаров, И.О.Ҳайдаров “Оила психологияси” ўқув қўл. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун. 2008 й. “Шарқ” нашриёти.